

«SHARQ-U G'ARB ADABIYOTIDA GUMANIZM: NAVOIY VA PUSHKIN»

mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy
konferensiya materiallari

Proceedings of the international
scientific-theoretical conference titled

«HUMANISM IN EASTERN AND WESTERN LITERATURE: NAVOI AND PUSHKIN»



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**“SHARQ-U G'ARB
ADABIYOTIDA GUMANIZM:
NAVOIY VA PUSHKIN”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari

2024-yil, 25-aprel

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND COMPARATIVE LITERATURE

*Proceedings of the international scientific-theoretical
conference titled*

**“HUMANISM IN EASTERN AND
WESTERN LITERATURE:
NAVOI AND PUSHKIN”**

April 25, 2024

Toshkent
“Nurafshon business”
2024

UO'K 845.711.05

KBK 133.585.3

“Sharq-u G'arb adabiyotida gumanizm: Navoiy va Pushkin” mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: Nurafshon business, 2024. – 840-b.

ISBN 978-9910-8871-6-1

Mas'ul muharrir:

Shuhrat Sirojiddinov,

filologiya fanlari doktori, akademik

Tahrir hay'ati:

Shuhrat Sirojiddinov (O'zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo'raqulov (O'zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Sulton Normamatov (O'zbekiston), Rukhsana Iftikhar (Pokiston), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O'zbekiston), Sergey Nikonorov (Rossiya), Akibatxan Ismanova (Qirg'iziston), Makbal Orazbek (Qozog'iston), Nozliya Normurodova (O'zbekiston), Aleksey Pilev (Rossiya), Nurboy Jabborov (O'zbekiston), Shafiqa Yorqin (Afg'oniston), Amir Ne'mati Lima'i (Eron), Nafas Shodmonov (O'zbekiston), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Odinoxon Jamoliddinova (O'zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O'zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O'zbekiston).

“Sharq-u G'arb adabiyotida gumanizm: Navoiy va Pushkin” mavzusida o'tkazilayotgan xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari komparativistikaning sof nazariy va amaliy muammolariga doir tadqiqotlardan tarkib topgan. Shunga ko'ra to'plam “Navoiy va Pushkin ijodida gumanizm konsepsiyasi”, “Navoiy va Pushkin ijodining global mohiyati”, “Yosh tadqiqotchilar Navoiy va Pushkin haqida” nomli uch qismga ajratilgan. Navoiy va Pushkin asarlariga xos spetsifika, semantika, struktura, lingvopoetik, lingvopsixologik xossalar qiyosiy tahlil etilgan. Ayni paytda, ikki ulug' mutafakkirning jahon xalqlari badiiy tafakkuriga ta'siri, global ahamiyatiga oid nazariy tadqiqotlar o'rin olgan.

Ilmiy to'plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug'ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

To'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2024-yil 3-apreldagi yig'ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

© “Nurafshon business”, 2024.

UO'K 845.711.05

KBK 133.585.3

"Humanism in East-West Literature: Navoi and Pushkin". Proceedings of international scientific-theoretical conference. – Tashkent: Nurafshon business, 2024. – 840 p.

ISBN 978-9910-8871-6-1

Editor-in-Chief:

Shukhrat Sirojiddinov,

Doctor of philological sciences, Academic

Editors:

Shukhrat Sirojiddinov (Uzbekistan), Münevver Tekcan (Turkey), Uzoq Jurakulov (Uzbekistan), Agnieska Vojta (Germany), Almaz Ulviy (Azerbaijan), Suvon Meli (Uzbekistan), Nurboy Jabborov (Uzbekistan), Shafiqa Yorqin (Afghanistan), Nafas Shodmonov (Uzbekistan), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Kuronov (Uzbekistan), Odinakhon Jamoliddinova (Uzbekistan), Feruza Ikromkhanova (Uzbekistan), Gulnoz Khalliyeva (Uzbekistan), Dilnavoz Yusupova (Uzbekistan).

This compilation presents findings from an international scientific-theoretical conference centered around "Humanism in East-West Literature: Navoi and Pushkin" It covers a range of theoretical and practical issues in comparative studies. The collection is structured into three main sections: "Exploring the Concept of Humanism in Navoi and Pushkin's Works," "Examining the Global Significance of Navoi and Pushkin's Literary Contributions," and "Insights from Up-and-Coming Scholars on Navoi and Pushkin." The collection analyzes the specificities, semantics, structures, linguopoetic, and linguopsychological features of Navoi's and Pushkin's works in comparison. Additionally, the conference also discussed theoretical inquiries into the worldwide impact of these two influential thinkers on artistic thought across cultures.

This Conference proceedings are crafted for graduate, undergraduate, and doctoral students specializing in literary theory, criticism, history of literature, comparative literature, translation theory, and literary studies. It's also suitable for anyone intrigued by literary issues.

The collection was recommended for publication by the decision of the meeting of the Scientific and Technical Board of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navai on April 3, 2024.

The perspectives of the authors may vary from those of the editors.

© "Nurafshon business", 2024.

MUNDARIJA

I-SHO'BA

NAVOIY VA PUSHKIN IJODIDA GUMANIZM KONSEPSIYASI

1.	<i>Шухрат СИРОЖИДДИНОВ.</i> УЛУҒЛАР УЧРАШУВИ	20
2.	<i>Узоқ ЖҰРАҚУЛОВ.</i> НАВОИЙ ВА ПУШКИН: МЕТАФОРЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ	23
3.	<i>Сувон МЕЛИ.</i> НАВОИЙ ВА ЧЎЛПОН: КЎК – ЕР КОНЦЕПТИ	51
4.	<i>Dr. Kemal YAVUZ ATAMAN.</i> NEVAYİ DÜŞÜNCESİNDE AKL-I SELİM İDRAKİ	65
5.	<i>Дилмурод ҚУРОНОВ.</i> БИР НУҚТАНИНГ ҚИЛГИЛИҒИ	77
6.	<i>Бахтиёр АБДУШУКУРОВ.</i> “ТЕКМА ЭМГАК СЎНГИ РОҲАТ ЭРМИШ”	85
7.	<i>Ирина ЯНОВСКАЯ, Ольга ЧИЖИКОВА.</i> ПЕТР И КАРЛ: ФОЛЬКЛОРНАЯ ОСНОВА ПЕРСОНАЖЕЙ “ПОЛТАВЫ”	91
8.	<i>Ғайрат МУРОДОВ.</i> УЙҒУН ГУМАНИЗМ	97
9.	<i>Насиба БОЗОРОВА.</i> УЛ ПАРИЙКИМ, БАНДИ ЗУЛФИҒА МАЖОНИНДУР УҚУЛ...	104
10.	<i>Münevver TEKCAN.</i> THE CULTURAL TRAITS OF THE RULING CLASS ELITES DURING THE BAVURID EMPIRE FORMATIVE PERIOD	114
11.	<i>Сергей НИКАНОРОВ.</i> К ВОПРОСУ ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПОЭТИЧЕСКОГО ЯЗЫКА ПРОИЗВЕДЕНИЙ А.С.ПУШКИНА	125
12.	<i>Seda KAVALLI.</i> HÜMAYUN-NÂME'DEKİ EDEBİ ŞAHSİYETLER	132
13.	<i>Альбина РАХМАНОВА.</i> КОНЦЕПЦИЯ ВОСТОКА В ТВОРЧЕСКОМ ПОНИМАНИИ А.ПУШКИНА (К ВОПРОСУ ОБ ИССЛЕДОВАНИЯХ)	144
14.	<i>Елена ПАНОВА.</i> ЭЛЕМЕНТЫ ДРЕВНЕСЛАВЯНСКОЙ МИФОЛОГИИ В ПОВЕСТИ “КАПИТАНСКАЯ ДОЧКА” А.С.ПУШКИНА	156

15.	<i>Ahmet KARATAŞ.</i> ALİ ŞÎR NEVÂÎ'NİN VAKFÎYE ADLI ESERİNDEKİ TÜRKÇE HUKUK ERİMLERİ	167
16.	<i>Дармоной ЎРАЕБА.</i> НАВОИЙ ВА ПУШКИН ГУМАНИЗМИНИНГ ФОЛЬКЛОРЧА АСОСЛАРИ	180
17.	<i>Шоира АХМЕДОВА.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ПУШКИН: МАКТУБЛАР ОЛАМИ	186
18.	<i>Husniddin ESHONQULOV.</i> NAVOIY G'AZALIYOTINING MAVZULAR OLAMI	194
19.	<i>Диляра ХАЛИЛОВА.</i> К ВОПРОСУ О ВОСТОЧНОЙ ТЕМАТИКЕ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА	201
20.	<i>Исламжон ЯКУБОВ.</i> ШЕЪРИЙ РОМАН: ГЕНЕЗИС ВА ДИНАМИКА	206
21.	<i>Serpil YAZICI ŞAHİN.</i> BAYRAM KHAN'S POETIC QUALIFICATIONS AND POETRY	219
22.	<i>Dilnavoz YUSUPOVA, Umedullo MAHMUDOV.</i> NAVOIY VA PUSHKIN IJODIDA FAXRIYA	228
23.	<i>Dilrabo QUVVATOVA.</i> PUSHKIN SHE'RIYATIDA SHARQ TASVIRI	244
24.	<i>Одилжон САФАРОВ.</i> “ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН” ТАРЖИМАЛАРИ ҲАҚИДА	249
25.	<i>Komiljon HAMROYEV.</i> ZAMONAVIY O'ZBEK NIKOYALARI POETIK TAKOMILI	255
26.	<i>Елена ПАНОВА, Кирилл ГЛЕБОВ.</i> СКАЗКА А.С.ПУШКИНА “О МЕРТВОЙ ЦАРЕВНЕ И СЕМИ БОГАТЫРЯХ” В КОНТЕКСТЕ ЭКОЛОГИИ КУЛЬТУРЫ	268
27.	<i>Gulbahor ASHUROVA.</i> MUTAFAKKIR SHOIR OBRAZI YANGI ADABIYOT NIGONIDA	274
28.	<i>Гузалия ФЕФЕЛОВА.</i> КОНЦЕПЦИЯ ГУМАНИЗМА В ПОЭЗИИ А.НАВОИ И А.ПУШКИНА	284
29.	<i>Акибатхан ИСМАНОВА.</i> НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ЧИН МАМЛАКАТИ ТАЛҚИНИ	289
30.	<i>Ozoda TOJIBOYEVA.</i> NAVOIY ASARLARINI KATALOGLASHTIRGAN RUS OLIMLARI	296
31.	<i>Yulduz ZIYAYEVA.</i> “OSHIQ-MA'SHUQA-RAQIB” OBRAZI TAKOMILI HAQIDA	304

32.	<i>Мустафо БАЙЭШАНОВ.</i> ИСЛАМСКИЙ ВОСТОК В ТВОРЧЕСТВЕ Г.ДЕРЖАВИНА	319
33.	<i>Latofat TASHMUXAMEDOVA.</i> ADABIYOT VA INSON TAFAKKURI	344
34.	<i>Elmurod NASRULLAYEV.</i> NAVOIYGA DOIR TARIXIY MANBALARNING O'RGANILISHI	353
35.	<i>Sa'dulla MATYAKUPOV.</i> NAVOIY VA PUSHKIN LIRIKASIDA DIALOGIK TALQIN	367
36.	<i>Zuhra AZILOVA.</i> NAVOIY ASARLARINING QORAQALPOQCHA TARJIMALARI	375
37.	<i>Nargiza G'ULOMOVA.</i> ALISHER NAVOIY VA PUSHKIN IJODINING TA'LIMIY, IJTIMOYIY AHAMIYATI	380
38.	<i>Hayot LATIPOV, Nasiba NOROVA.</i> NAVOIY VA PUSHKIN: BADIY G'OYA VA OBRAZ	385
39.	<i>Ulug'bek KO'CHIMOV.</i> FANTASTIK ASARLARDA GUMANIZM KONSEPSIYASI	392

II- SHO'BA

NAVOIY VA PUSHKIN IJODINING GLOBAL MOHIYATI

40.	<i>Amir NEMATI LIMA'I.</i> AMIR ALISHIR NAVAI AS A FOLLOWER OF KHAWAJA NIZAM AL-MULK TUSI AND KHAWAJA RASHID AD-DIN FADLULLAH HAMADANI (ANALYSIS, INTERPRETATION AND COMPARISON)	400
41.	<i>Гулноз ХАЛЛИЕВА, Оксана ВОДНЕВА.</i> “ИСПОВЕДЬ” КАК ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЖАНР	414
42.	<i>Нусратулло ЖУМАХЎЖА.</i> “НАВОЙИ” ТАХАЛЛУСИ ИМЛОСИ ВА БАДИИЙ МАЪНО МИҚЁСЛАРИ	421
43.	<i>Алексей ПЫЛЕВ.</i> К ВОПРОСУ ОБ ОСМАНСКО-ТУРЕЦКИХ МОТИВАХ В РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (А.С.ПУШКИН И М.Ю.ЛЕРМОНТОВ)	438
44.	<i>Санобар ТЎЛАГАНОВА.</i> МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА НАВОЙИЙ ИЖОДИ	447
45.	<i>Saodat MUHAMEDOVA, Roza QURBONOVA.</i> ALISHER NAVOIYNING XORIJ TILLARIGA TARJIMASI VA TADQIQI	454

46.	<i>Маҳмадиёр АСАДОВ.</i> “ДОНИШМАНД СИЗИФ” РОМАНИ ШАРҚОНА МАЪНАВИЯТ КОНТЕКСТИДА	460
47.	<i>Azamat XAYRULLAYEV.</i> N.NORQOBIL HIKOYALARI KOMPOZITSIYASI	469
48.	<i>Tozagul MATYOQUBOVA.</i> ADABIY TA'SIR VA O'ZIGA XOSLIK	483
49.	<i>Rukhsana IFTIKHAR.</i> “THE MEMOIRS OF GULBADANBEGUM”	494
50.	<i>Светлана ДРАЧЕВА.</i> ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ И ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ СОВРЕМЕННОЙ РУССКОЙ ПОЭЗИИ ДЛЯ ДЕТЕЙ	500
51.	<i>Gulchehra IMOMOVA.</i> O'ZBEK HIKOYALARIGA G'ARB MODERNISTIK ADABIYOTINING TA'SIRI	510
52.	<i>Iqboloy ADIZOVA.</i> MUMTOZ ADABIYOTDA QOFIYA	517
53.	<i>Sa'dulla QURONOV.</i> IJTIMOY SHART-SHAROIT VA “KOMIL INSON” KONSEPSIYASI	527
54.	<i>Нилуфар СУЛТОНОВА.</i> СЮЖЕТ МОДИФИКАЦИЯСИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР	532
55.	<i>Нурмурод ЧИННИҚУЛОВ.</i> ҚАДИМГИ ТУРКЎЙ ЁЗМА МАНБАЛАРИ ВА ШЕВАЛАРДА САҚЛАНГАН АЙРИМ СЎЗЛАР ХУСУСИДА	544
56.	<i>Zebiniso BEKMURODOVA.</i> NAVOIY LIRIKASIDAGI AYRIM XIAZMLARNING LINGVISTIK TADQIQI	551
57.	<i>Baxtiyor RO'ZIYEV.</i> ALISHER NAVOIYNING IQTISODIY QARASHLARI VA ULARNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI	556
58.	<i>Saodat MO'MINOVA.</i> NAZAR ESHONQUL VA FRANS KAFKA: ADABIY TA'SIR MASALASI	563
59.	<i>Shahnoza RAHMONOVA.</i> SHARQ ADABIYOTIDA MUHAMMAD – MUSTAZODNING O'RNI	570
60.	<i>Shahnoza QAXXOROVA.</i> “LISONU-T-TAYR”DA BAQO TALQINI	575
61.	<i>Шоҳида КАРОМОВА.</i> “ЛИСОНУ-Т-ТАЙР”ДА БАҚО ТАЛҚИНИ	582
62.	<i>Нилуфар УМАРОВА.</i> НАВОИЙ МАҚТУБЛАРИ	587

63.	<i>Мафтуна НОПҚУЛОВА.</i> “ҚУРОҚ” ҚИССАСИДА КИНОЯ УСЛУБИ	596
64.	<i>Матлуба ЖАББОРОВА.</i> НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА “ЖОМИ ЖАМ” ТАЛҚИНИ	607
65.	<i>Olmos XURRAMOV.</i> HOZIRGI O'ZBEK TARIXIY NASRINING JANR XUSUSIYATLARI	612
66.	<i>O'g'iljon PANAYEVA.</i> OMON MATJON IJODIDA QUSH TIMSOLI	620
67.	<i>Zebo YAKHSHIEVA.</i> ARTISTIC IMAGE AND HISTORICAL PERSONALITY IN THE WESTERN AND EASTERN LITERATURE	626
68.	<i>Umida ABDULLAYEVA.</i> LIRIKADA IJODIY XOTIRA	632
69.	<i>Feruza ATAMURODOVA.</i> THE FORMATIVE HISTORY OF THE NOVEL	637
70.	<i>Iroda ISHONXANOVA.</i> PUSHKIN IJODIDA SHARQ FALSAFASI TALQINI	642
71.	<i>Shahlo HOJIYEVA.</i> CHO'LPON SHE'RIYATIDA RUS POEZIYASI AN'ANALARI	648
72.	<i>Нилуффар ДИЛМУРОДОВА.</i> АСАД ДИЛМУРОД ЭСТЕТИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ	655
73.	<i>Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ.</i> “ТАНАЗЗУЛ” РОМАНИДА ТАРИХИЙ ОБРАЗ КОНЦЕПЦИЯСИ	667
74.	<i>Kamol HAKIMOV.</i> “FARHOD VA SHIRIN” TALQINLARI	675
75.	<i>Diyora ABDUJALILOVA.</i> NAVOIY VA TOSHLIJALI MUNOJO TLARI QIYOSI	681
76.	<i>Hamza ALLAMBERGENOV, Dilnoza NORMENGLIYEVA.</i> UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONINI O'RGATISH USULLARI	687

III- SHO'BA

YOSH TADQIQOTCHILAR NAVOIY VA PUSHKIN HAQIDA

77.	<i>Mohigul ERGASHEVA.</i> PUSHKIN HAYOT YO'LI VA IJODINI ILMIY-BIOGRAFIK O'RGANISH TARIXIDAN	694
78.	<i>Malika SUYUNOVA.</i> HAMZA DRAMALARIDA OBRAZ VA BADIY MOTIV	699

79.	<i>Xoliyor SAFAROV.</i> JADID HIKOYACHILIGIDA USLUB	707
80.	<i>Лолахон ҚЎЗИБОЕВА.</i> “ИСКАНДАР” ДРАМАСИДА ИДЕАЛ ТАРИХИЙ ОБРАЗ ТАЛҚИНИ	713
81.	<i>Dildora ALIQULOVA.</i> QODIRIY VA DYUSHEN ROMANLARI KOMPOZITSIYASI	720
82.	<i>Dilnavoz NAJIMOVA.</i> JA'HON VA O'ZBEK BOLALAR ADABIYOTI: TAYANCH NUQTA MUAMMOSI	728
83.	<i>Nodira XUDOYNAZAROVA.</i> VOLTER VA FITRAT: DINIY-MA'RIFIY OMILLAR	733
84.	<i>Sayohat ARZIQULOVA.</i> ZULFIYA MO'MINOVA VA GULTEN AKIN LIRIKASIDA AYOL OBRAZI	739
85.	<i>Jobir ISMATILLOYEV.</i> SAYIDO NASAFIY IJODI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR	746
86.	<i>Sanobar SAIDAZIMOVA.</i> SHODIQL HAMRO QISSALARIDA PARANORMAL EPIZOD TASVIRI	753
87.	<i>Yorqinoy ISMONOVA.</i> “HAZRATI INSON” ROMANIDA NAVOIY GUMANIZMI MASALALARI	758
88.	<i>Gulhayo ISABAYEVA.</i> ONA OBRAZI VA UNI BADIY IDROK ETISH RAKURLARI	764
89.	<i>Laylo TO'YCHIYEVA.</i> “ULISS” O'ZBEK ADABIYOTSHUNOSLARI NIGOHIDA	771
90.	<i>Osiyo SIDDIQOVA.</i> SHEKSPIRING KOMIK XARAKTER YARATISH MAHORATI	777
91.	<i>Jamila AZATIVA.</i> QARAQALPAQ HÁM QAZAQ ÁDEBIYATÍNDÁ AÑSHÍLÍQ TEMASÍ	783
92.	<i>Mirjalol SODIQOV.</i> MAHMUD AS'AD JO'SHONNING ILMIY-IJTIMOYIY FAOLIYATI	788
93.	<i>Charos AVAZOVA.</i> YAPON NOVELLALARIDA INSON, TABIAT VA JAMIYAT MUNOSABATI MUAMMOLARI	794
94.	<i>Mohinur ESANOVA.</i> ISAJON SULTON HIKOYALARIDA SAFAR MOTIVINING POETIK FUNKSIYASI	801

95.	<i>Shahlo HALIMOVA.</i> XOQONIY SHIRVONIY QASIDALARIDA QUSH TIMSOLI	810
96.	<i>Husniya JUMABOYEVA.</i> ALISHER NAVOIY G'AZALLARI TABDILIDAGI XILMA-XILLIKLAR HAQIDA	815
97.	<i>Umida MUXTOROVA.</i> CHINGIZ AYTMATOV ASARLARIDA TAQDIR VA GUMANIZM KONSEPSIYASI	821
98.	<i>Mahliyo JO'RAYEVA.</i> CHUSTI'S UNTRADITIONAL POEM	826
99.	<i>Gulruxsor XUDOYBERDIYEVA.</i> TARIXIY FAKTLARNI BADIY ASARDA IFODALASH: TIL VA USLUB	829

MUNDARIJA

1ST SECTION

EXPLORING THE CONCEPT OF HUMANISM IN NAVOI AND PUSHKIN'S WORKS

1.	<i>Shukhrat SIROJIDDINOV.</i> GATHERING OF LEGENDS	20
2.	<i>Uzoq JURAKULOV.</i> NAVOIY AND PUSHKIN: THE EVOLUTION OF METAPHORS	23
3.	<i>Suvon MELI.</i> NAVOIY AND CHOLPON: CONCEPT OF HEAVEN AND EARTH	51
4.	<i>Kemal YAVUZ ATAMAN.</i> A RATIONAL UNDERSTANDING IN NEVAYI'S PHILOSOPHY	65
5.	<i>Dilmurod KURONOV.</i> THE SIGNIFICANCE OF A POINT	77
6.	<i>Bakhtiyor ABDUSHUKUROV.</i> "DEDICATED EFFORT MARKS THE CONCLUSION OF ENJOYMENT"	85
7.	<i>Irina YANOVSKAYA, Olga CHIZHIKOVA.</i> PETER AND KARL: THE FOLKLORIC FOUNDATION OF THE CHARACTERS IN "POLTAVA"	91
8.	<i>Gayrat MURODOV.</i> HARMONIOUS HUMANISM	97
9.	<i>Nasiba BOZOROVA.</i> SHE IS A FAIRY WHOSE MIND IS MADLY IN LOVE WITH HER HAIR	104
10.	<i>Munever TEKJAN.</i> THE CULTURAL TRAITS OF THE RULING CLASS ELITES DURING THE BABURID EMPIRE FORMATIVE PERIOD	114
11.	<i>Sergey NIKANOROV.</i> CONCERNING THE CHARACTERISTICS OF THE POETIC LANGUAGE FOUND IN THE WORKS OF PUSHKIN	125
12.	<i>Seda KAVALLI.</i> CHARACTERS IN THE "HÜMAYUN-NÂME"	132

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор
(ТошДЎТАУ, Ўзбекистон)
Doi. 10.52773/tsuull.conf.2024/LENS1513

НАВОИЙ ВА ПУШКИН: МЕТАФОРАЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

Аннотация. Тадқиқот Алишер Навоий ва Александр Сергеевич Пушкин эпик ижод намуналари асосида бадиий диалог, сюжет ва образлар генезиси, метафорик идрок, метафорик тизимлар эволюцияси муаммоларини ўрганишга бағишланади.

Калит сўзлар: Метафора, метафора тизими, метафоралар эволюцияси, монолог, диалог матрицаси, метафизик диалог, образ, композиция, сюжет, мотив, тарихий жараён, ижод жараёни, ижодкор феномени.

Abstract. The paper investigates literary dialogue, primitive foundations of plots and characters, metaphorical perception, and the evolution of metaphorical systems, drawing from the poetry and prose of Alisher Navoi and Alexander Sergeevich Pushkin.

Key words: Metaphor, metaphorical system, metaphor evolution, monologue, dialogic framework, metaphysical dialogue, character, composition, plot, motive, historical progression, creative process, Phenomenon of author.

Олам алломаларини бир жойда жамловчи сўз бор. Бу – илоҳий сўз. Айни калом асл ҳақиқат бўлиб туғилади, илм, фалсафа, ижтимоий фикр, наср ва шеърят, метафора ўлароқ ҳаёт кечиради. Илло, йўқ бўлиб кетмайди, эскирмайди, ўлмайди. У башар тафаккурининг чўққиларида истиқомат этади, улуҳийят майдонида янгиланаверади.

Аллома Бахтин яқин тарихда кашф этган “Улкан замондаги мулоқот” назарияси мана шу қонуниятдан келиб чиқишига кўра ўзини оқлайди. Олим “Тарихий поэтика”нинг методологик муаммоси хусусида сўз юритар экан, ўз кузатув, таҳлил ва талқинлари хулосасини уч сўзда жамлаб ифодалайди: “диалог в большом времени” – улкан замондаги диалог. Бахтинга кўра, тарихий-бадиий тафаккур барча ўзига хосликлари билан башарий маданиятнинг ягона шаклланиш жараёнига бориб туташади. Зотан, адабиёт вужудга келгунига қадар тиллар, идрок ва тафаккур шакллари тайёр ҳолатда эди. Адабиёт ва адабиётгача бўлган барча жараёнлар аслида “мен” ва “бошқа”,

“муаллиф” ва “қаҳрамон” ўртасидаги муносабатнинг “улкан замон” ичра айланишидир. Бахтинга кўра: “Ҳеч қандай биринчи ва охириги сўз йўқ ва диалогик контекст чегарасиздир. У чегарасиз ўтмиш билан чегарасиз келажак ўртасида айланиб юради”, “диалог тараққиётининг ҳар қандай лаҳзасида унутилган фикрларнинг улкан, чегарасиз шарпаси кезиб юради ва янги контекстда хотирланади, янгиланади ва жонланади... Мутлақ ўлик нарса йўқ. Ҳар қандай фикрнинг ўз қайта туғилиш байрами бўлади”¹.

Диалог тушунчаси иккиликни – объект-субъект ёки субъект-объект муносабатини талаб этади. Диалог кенг маънодаги контакт воситасида туғилади. Аммо диалогнинг матрицаси монологикдирки, бунинг асоси юқорида таъкидлаганимиз “илоҳий сўз”дир. Чунки илоҳий сўз замон ва макон, борлик ва ундаги барча нарсалар, ҳодисалар, инсоният ва бошқа яратилганлар, ҳатто сўзнинг ўзига қадар ҳам мавжуд эди. Шу боис сўз ва замон тугаган тақдирда ҳам мавжудиятида боқий қолади. Бизнинг сўз ва диалогга доир фикрларимиз эса ибтидо-сиз ибтидо, фаносиз бақо ичидаги сўник бир милтираш, кўзга илинмас бир зарра хусусида бўлади.

Ушбу тадқиқотда диалогнинг М.Бахтин англамаган ёки англаса-да сўзлаш имкони бўлмаган бир хоссаси ҳақида фикрлашга уринамиз. Бу диалог синкретизми ёхуд синкретик матрица муаммоси бўлиб, тадқиқотда айни муаммо икки буюк аллома – Навоий ва Пушкин асарлари мисолида ўрганилади.

Ҳақиқатан ҳам, М.Бахтин сўз юритган “улкан замондаги диалог”нинг хронотоп чегаралари номаълум. Унинг қачон ва қаерда бошлангани ҳақида аниқ далил йўқ. Теология, теологистика, фалсафа, эстетика, адабиётшунослик бўйича мутахассислар бу ҳақда турли-туман қарашларни илгари сурадилар. Бирови илк мулоқот Худо ва Одам (а.с.) ўртасида юз берган деса, бошқаси Одам (а.с.) ва Ҳавво онамиз ўртасида, яна кимдир Худо ва фаришталар, Худо ва жин қавми аро содир бўлган деб ҳисоблайди. Ҳар нима бўлганда ҳам асл манбалар-

¹ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов.писатель, 1963. – С. 338.

да бунинг ягона далилига хизмат қилувчи ахборот келмаган. Аммо бир нарса аниққи, бундай тахминларнинг барчаси ягона, монологик сўз феноменининг тармоқларидир. Яъни диалогнинг илк шакли монологик асосдаги синкретик матрицадан ибтидо олган. Аниқ айтганда, М.Бахтин қайд этган “улкан вақт ичидаги диалог” Оллоҳ каломи негизда бошланган диалог тармоқларидан бир тармоқчадир.

Илоҳий сўз универсал моҳиятга эга. Унинг учун тил, нутқ, грамматик қоида сингари башарга хос чекловлар бегона. Илоҳий сўз шакли ва мазмуни ҳам том маънода ўзига хос. У биз учун а'gnoctik позицияда туради ва биз билан трансценденция мақомида туриб мулоқотга киришади. Башарга хос сўз эса айни улкан универсалия ичидаги бир кичик ўзан холос. Илоҳий сўз бир пайтнинг ўзида метафизик, трансцендентал, космик, хаотик, наботот, жамодод, ҳайвонот ва ҳоказоларга хос сатҳлар ва сатҳсизликлар аро чексиз коммуникацияни ташкил этиши ҳамда уларнинг барчасини бир пайтнинг ўзида қамраб олиши мумкин. Башар учун эса мулоқот материалига айланган, нисбий грамматик қоидалар доирасига кирган, инсон мияси ва тафаккурида реаллашган сўзгина хосдир. Аммо шу тармоқчанинг ўзи ҳам мутлақ башарга тегишли эмас. Истисносиз тарзда ўз ибтидосини Яратган сўздан, монологик шаклдаги синкретик матрицадан олади. Демак, башарга оид ҳар қандай сўз муҳаққақ диалогикдир.

Башар сўзи илк ибтидосидан эътиборан диалогик экан, унинг турли мақом, даража ва босқичларни ташкил этиши табиий. Башарий сўзнинг айни сатҳлар даражаланишидаги энг олий нуқтаси эса метафизик диалогдир. Метафизик диалогнинг фаол иштирокчилари Одам (а.с.)дан бошланган Пайғамбарлар жамоасидир. Пайғамбарлар фаолиятининг асл мазмуни айни мулоқот учун воситачилик, башарга хос метафизик диалогга туртки беришдан иборат.

Метафизик диалог башарий жамият томонидан ичида минглаб тармоқчаларга бўлинадиган икки йўсинда қабул этиб келинади. Бунда позициялар кескин тарзда иккига ажралади. Бу мулоқотда сўзлаётган, фикрлаётган инсон борки, ис-

таса-истамаса иштирок этади. Иштирокнинг асосий моҳияти ҳам иккилик (диалогиклик)да – тасдиқ ёки инкорга қурилади. Мантиқ илмининг таянч концепцияси бўлмиш ҳақиқат ва ёлғоннинг даражаси, характери ҳам сўзловчининг тасдиқ ёки инкор позициясида тургани билан белгиланади. Зотан, ҳақиқатни тасдиқлаш ёлғоннинг, ёлғонни тасдиқлаш эса ростнинг инкорига олиб келади. Айни тарздаги башарий мулоқот жараёни ўз характери, мақсад-муддаоси, ботиний моҳиятига кўра метафизик диалогга нисбатан турли мақом ва даражаланишларни майдонга келтиради. Агар мулоқот рақамлар ва формулалар воситасида бўлса алгебрик, чизиқлар тизими воситасида бўлса геометрик, тўрт унсурга оид моддалар воситасида бўлса табиий-кимёвий, замон-макон воситасида бўлса астрономик, саналар ва аниқ далиллар воситасида бўлса тарихий, гипотезалар ва исботлар воситасида бўлса илмий, хаёлот ва тафаккур воситасида бўлса фалсафий, бадий сўз воситасида бўлса бу метафорик мулоқот бўлади ва ҳ.к. Саналган ва яна саналмаган юзлаб, минглаб мулоқот шакллари ичида фақат бадий сўз воситасидаги мулоқотгина метафизик мулоқот билан жинсдош ва унга максимал даражада яқиндир. Ва яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни даража қийматини мулоқотнинг метафорага қурилгани ёки қурилмагани, мулоқот эгасининг истеъдодли ёки истеъдодсиз экани ҳам белгилайди.

Ижодий материаллари асосида сўз юритмоқчи бўлаётганимиз Навоий ва Пушкин эса, шубҳасиз, улкан истеъдод соҳибларидилар. Инчинун, уларнинг ҳар бир сўзи ҳақиқат тасдиқига қурилган бўлиб, метафизик диалогга яқин, уни шарҳловчи, бадий талқин этувчи, унга хос ҳақиқатларни тадрижий ифода этувчи метафоралар эволюциясидир.

Чин маънодаги бадий асар метафорикдир. Шу тезисдан келиб чиққанимизда истеъдод ижодий дунёси бутунича метафоралар тизимини ташкил этади. Демакки, Навоий ва Пушкин ижодини ҳам айнан метафораларнинг бирбутун тизими тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Навоий ва Пушкинга хос поэтик тизимнинг асослари, айни ижод истеъдод меваси бўлгани сабабидан ҳам, илоҳий сўз би-

лан мустаҳкам алоқага эга. Мазкур тадқиқотда эса уларга хос метафорик тизимнинг айрим жиҳатлари хусусидагина тўхта-
ламиз.

Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий сўз хусусида ёзар
экан, доимий тарзда унинг илоҳийлигига урғу беради.

*Чун бу насим эсди азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон боғидин...
Бу ики яфроғни қачон Зуфнун,
Бир-бирига қўйса бўлур “кофу нун”.
Даҳри муқайяд била озодаси,
Борча эрур “коф” ила “нун” зодаси...
Васф не навъ ўлғай анга эл сўзи,
Ҳар не сўз айтилса эрур чун Ўзи...¹*

Матнда келган “азал тоғи” бирикмаси “Хамса” контексти-
да илоҳий даргоҳдан киноя. “Жаҳон боғи” бирикмаси эса бир-
бутун материалистик олам, космос – Навоий ифодасига кўра,
“етти осмон”ни билдиради. “Икки яфроғ”дан мурод осмон ва
Ер. Шу иккисининг бирлашуви натижасида моддий мавжуд-
лик, башар макони, космосга хос замон пайдо бўлган. Ҳазрат
Навоий илоҳий далиллар – Қуръон ва Ҳадиси шариф асосида
мана шу яратиларнинг барчаси Оллоҳ буйруғини акс этти-
рувчи бир сўз, яъни “коф” ва “нун” ҳарфларининг бирикуви-
дан, “Кун” – “Ярал” сўзидан вужудга келганини айтади. Сўнгги
байтни келтирилган шеърӣй матн хулосаси, ажратиб олинган
байтлар ичидаги шоҳбайт дейиш мумкин: Бу илоҳий ҳоди-
сотни васф этиш учун башар сўзига йўл бўлсин! Илло, унинг
васфига қандай сўз айтилмасин у башарники эмас, Ўзининг
сўзидир!

Келтирилган тўрт байт мазмунини нисбий мукамаллик-
да англаган ўқувчи учун Навоийнинг шу саккиз сатрда жам-
ланган қирқ олти сўзи биз тадқиқот аввалидан шу сатргача
сарф этган икки минг икки юз йигирма тўрт сўздан аълороқ
тарзда сўз ва мулоқотнинг илоҳий асосга эга эканини исбот
этганини тушуниб етиши қийин эмас.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул аброр. МАТ. Йигирма томлик VII том. –
Тошкент: Фан, 1990. – Б. 57–58.

Навоийнинг ушбу байтлари, шубҳасиз, Қуръони каримни мукамал даражада ўзлаштирган, яралишга доир оят, ҳадис ва тафсирдаги илмларни бир нуқтага жойлаган комил истеъдод эгасининг хулосаларидир. Шу қадар улкан илоҳий ҳодисаларни сўзда акс эттириш учун аллома шоирга бадиий ижодга хос истиоравийлаш – метафоризация усули асос бўлганки, бу шак-шубҳасиз буюк истеъдодга хос фазилатдир. Навоий метафорик талқин этган сўз ва яралишга оид жараёнлар “Анфол” сурасида шундай келади: “Албатта Парвардигорингиз – Оллоҳ шундай Зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнг-ра Ўз Аршига ўрнашди. У кечани (қоронғуликни) кундузга ўрар (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори – Оллоҳ буюкдир”¹. “Ҳайратул аброр”-дан келтирилган иқтибос-матндаги “Борча эрур “коф” ила “нун” зодаси” сатрида яралиш ва ундан кейинги барча жараёнлар ўз аксини топган. Икки арабча график белги бу матнда метафорага айланган. Олам, одам ва сўз ҳақидаги уч замон – ўтмиш, бугун ва келажак воқелигини бирбутун қамраб олган. Ушбу мисра “Хамса” контекстида иъжоз мақомлари ичра юк-сак мақомлардан бирини эгаллаган.

Навоийдан олдин ва ундан кейин яшаб ижод этган ислом Шарқи адиблари битикларида Оллоҳ бутун коинотни ҳазрати Муҳаммад (а.с.), аниқроғи у зотнинг (с.а.в.) нурлари туфайли яратгани ҳақида сўз юритилади. Навоий асарларида эса бу жиҳат қайта-қайта таъкидланади.

“Ҳайрат ул-аброр” “Дебоҳа”сидаги “Аввалғи наът”нинг мухтасар семантикаси сарлавҳада шундай акс этган: “Ул ҳазратнинг нури қадимиятидаким, Зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси лаъма кўргузди ва дурджин дуржға интиқол этти то Сафииуллоҳдин Абдуллоҳға етти”². Бу ўринда

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 8:54.

² Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул аброр. МАТ. Йигирма томлик VII том. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 32–33.

“Зот баҳри” метафораси Оллоҳдан киноя, “аввалғи жунбуш” бирикмаси эса денгиз, яъни Зотнинг яратиш завқидаги илк тўлқинланишини англатиб, юқоридаги “нури қадимият” бирикмаси билан метасемантик муносабатга киришади ва айни “нури қадимият”¹нинг башарга хос замонга ўхшамайдиган, кеча-бугун-эрта тизимига сиғмайдиган замонсиз замон эканига урғу беради. Воқеан, махлуқот тарихида бундан қадимийроқ замоннинг ўзи йўқ. Аниқ айтганда, фаришталар, руҳлар, жинлар мавжудияти ҳам нури қадимият – Муҳаммад (а.с.) нурларидан кейинги навбатда туради. Сарлавҳадаги “Зот баҳрининг *аввалғи* жунбуши” метафоралар тизими бу ҳулосамизга кучли асос беради. Матннинг давоми башарий ҳаёт жараёни ибтидосидан Хотамул анбиё вужудларининг космик асосига қадар бўлган улкан замонни қамраб олади. Яъни: “Зот баҳри – Оллоҳ вужуд денгизининг аввалги тўлқинида дурри бебаҳо – Муҳаммад (а.с.) нурлари шуъласи хафо риштаси – махфийлик² ипини узди ва ул гавҳари якто ашиъаси – Муҳаммад (а.с.) нурлари шуъласи жилва қилди ва дурждан дуржга³ – қалбдан қалбга кўчиш (айланиш)га тушди. То Сафиюллоҳ – Одам (а.с.) дан Абдуллоҳ – Муҳаммад (а.с.)нинг оталарига етди”. Поэтик метафоранинг юксак тизимини намоён этувчи, Шарқ бадийят илмида иъжоз усули аталадиган Қуръоний ифода системасига

¹ Аксар илмий, маърифий, бадий манбаларда “Нури Муҳаммад” шаклида келади. Саҳиҳ ривоятларга кўра, Муҳаммад (а.с.)нинг нурлари барча мавжудият, яратиларнинг аввали бўлиб, уларнинг барчаси шу нур туфайли мавжуддир (– У.Ж.).

² “Хафо риштаси” – махфийлик ипи истилоҳий тушунчасини метафорик сатҳда кодлаштирилган трансцендентал феномен бўлиб, унинг ирфоний мазмуни қудсий ҳадисларда келадиган “Кунту канзан махфиян” хабарига бориб боғланади. Бунга кўра, Яратувчининг азалда “махфий бир хазина” эканлиги ҳақидаги сир ва унинг ошкор этилиш ғояси нури Муҳаммаднинг вужудга келши билан бошланади. Маърифий-бадий адабиётларда таъкидланишича, ушбу сир одамзотдан бошқа барча махлуқотга ҳам тақдиф этилган. Аммо одамдан бошқа ҳеч бир махлуқот бу сирни сақлаш вазифасини зиммага олмаган. Фақат одамзотгина шу буюк сир ҳаммоллигига розилик билдирган. Ва, айнан, шу туфайли махлуқот ичида шариф этилган (– У.Ж.).

³ “Дурж” сўзининг луғавий маъноси “Қийматли тошлар солинадиган қутича”. Метафорик сатҳда эса сўз гавҳарини сақлайдиган идиш – инсон оғзи; сирлар макони – кўнгил маъноларида келади (Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги АН., 1972).

татаббуъ тарзида ижод этилган айни сарлавҳа ўта улкан хро-
нотоп кўламига, ақлни лол этувчи семантика ва структурага
эга. Уни мукаммал шарҳлаш учун камида бир китоб сўз лозим.
Аммо ҳазрат Навоийнинг ўзи “Хамса”нинг барча дostonлари-
да, шунингдек, “Лисон ут-тайр” дostonида айни ҳодисанинг
бадий шарҳини берадики, иккинчи бир шориҳ бу жиҳатдан
Навоий мақомида сўз юритиши мумкин эмас.

Навоийга кўра ҳали замон-макон, яъни барча оламлар ва
замонлар, фаришталар, жон (руҳ), одамзот, жонли ва жонсиз
мавжудот яратилмасидан бурун Муҳаммад (а.с.)нинг нурлари
мавжуд эди. Махлуқот борки, унинг асосида шу нур туради.
Яъни:

*Муҳаммад “коф”у “нун”ға қуррат ул-айн,
Туфайли “кавн” ўлуб, йўқ, йўқки кавнайн...¹*

Мазмуни: Муҳаммад (а.с.) “кун” – “ярал” амрига нур (рав-
шанлик) берган зот. Фақат бу олам (“кавн”) эмас, балки икки
олам (“кавнайн” – моддият ва ғайб олами) шу нур туфайли
мавжуддир. Ёки:

*Эй нурунг ўлуб жаҳонға собиқ,
Балким тўқуз осмонға собиқ...²*

Мазмуни: Нурунг бутун жаҳондан, балки тўққиз осмондан
аввал ҳам бор эди. Бугунги адабий тилимизда, жонли сўзла-
шувда “собиқ” сўзи бўлиб ўтган, вазифасини ўтаб бўлган маъ-
ноларини англатади. “Хамса” контекстида эса бу сўз ибтидо,
бошланғич, ҳамма нарсадан аввалги маънода келган. Ушбу
байтда Муҳаммад (а.с.) нурлари нафақат икки жаҳон, балки
тўққиз осмон (бу ўринда тўққиз осмон бирикмаси метафорик
планда келган. Аслида етти осмон, Курсий ва Аршни ифода
этган)дан ҳам илгари мавжуд эди, деган мазмун илгари сури-
ляпти.

*Балки Одам ўғуллуғунгдин шод,
Валадингға жаҳон эли авлод.*

¹ Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Йигирма томлик VIII том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 17.

² Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун. МАТ. Йигирма томлик IX том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 17.

*Анга зоҳир тақаддуми оти,
Санга лекин тақаддуми зоти.
Сен муқаддам демайки Одамдин,
Қайси Одамки, борча оламдин...¹*

Ёки:

*Бу сабқатки зотингга берди Аҳад,
Сенга Бул-башар тонг йўқ ўлмоқ валад.
Атолиққа суратда пайванд эрур,
Вале асли фитратда фарзанд эрур...²*

Маълумки, башарият тарихи Одам (а.с.)дан бошланади. Барча диний, тарихий, фалсафий, табиий илмлар илк одам дейилганда Одам (а.с.)ни назарда тутати. Шу сабаб инсоният бир сўз билан “бани Одам” (Одам болалари), Одам (а.с.) эса “Абулбашар” (башарият отаси) деб аталади. Бу далил мутлақ ҳақиқат экани ва уни ҳеч бир мантиқ, ақлий мушоҳада, муқояса инкор эта олмаганидек, юқоридаги байт мазмуни билан ҳам қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Бизнингча, бу икки буюк воқеа моҳиятини тўғри англаш учун уларнинг жорий бўлиш замони ва маконидан келиб чиқиш лозим. Хронотоп қўламига кўра “нури Муҳаммад” воқеаси том маънода мутлақ замонга тегишли. Бу замон шундай замонки, унинг ўлчови, ибтидо ва интиҳоси йўқ. У бизга маълуму номаълум барча замонларга асос бўлгани ҳолда, ўзи бирор бир асосга эҳтиёж сезмайди. Боқийлиги Яратган боқоси билан, асос-моҳияти Оллоҳнинг Замон сифати билан бирикиб кетган бўлиб, истилоҳий жиҳатдан “азалий замон”га тўғри келади. “Хамса” бадиий концепциясига кўра, бу замон аввал ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам мавжуд, кейин ҳам мавжуд бўлаверади. Муҳаммад (а.с.)нинг нурлари мана шу азалий ва абадий замонда мавжуд бўлиб, барча оламларнинг асосидир. Бу ахборот фақат ислом манбаларида эмас, дастлаб соф илоҳий нақл ўлароқ инсониятга нозил этилган, кейинчалик турли ёлғон ахборотлар, бидъат-хурфотлар билан аралаштириб юборилган мифларда ҳам сақланиб қолган.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 21.

² Алишер Навоий. Хамса. Садди Искандарий. МАТ. Йигирма томлик XI том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 20–21.

Манбаларнинг барчасида у борлиқ оламларга асос бўлган нур – “ҳаёт манбаи”, деб номланади. Ҳаёт манбаи яширинган хро- нотоп эса ҳали замон-макон мавжуд бўлмаган, абадий зулмат- дан иборат хаос ўлароқ талқин этилади.¹

Алишер Навоий “Ҳамса” семантикаси ва структурасини аниқ тизим асосида қургани каби Муҳаммад (а.с.) образларини ҳам муайян мантиқий кетма-кетликда тасвирлайди. Дастлаб у зотнинг илоҳий олам ва ундаги универсал миссияси ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Сўнгра заминдаги ҳаёти (биография- си) билан боғлиқ энг муҳим маълумотларни юксак бадиий па- фосда ифода этади.

Муҳаммад (а.с.)нинг заминдаги ҳаёти ва миссияси идеал- лигини таъминловчи асос истилоҳий тушунчалар “Саййид ул- мурсалин”, “Шафеъ ул-музаннибин”, “Роҳматан лил-ъаламин” истилоҳларида ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси Қур- ъони карим ва Ҳадис асосида майдонга келган, ислом Шарқи дин илми анъаналарида мавжуд тушунчалар ҳисобланади. “Саййид ул-мурсалин” башариятни тўғри йўлга солиш учун юборилган барча Пайғамбарларнинг улуғи деган маънони билдиради. Ушбу унвон Муҳаммад (а.с.)нинг Оллоҳ ҳузури- даги даражаси, инсоният ҳаёти учун улкан аҳамиятга эга зот эканини таъкидлайди. Қуръони каримда номи зикр этилган ва зикр этилмаган барча Пайғамбарлар ўз қавми, ўз замона- сининг ҳар жиҳатдан пешқадами, етакчиси ва улуғи ҳисобла- нади. “Саййид ул-мурсалин” унвони эса улуғларнинг улуғи, етакчиларнинг етакчиси деган мазмунни ифодалайди. Яъни:

*Зиҳи анбиё хайлининг сарвари,
Бошинг узра сархайллик гавҳари.*

¹ Бу ҳақда қаранг: Матье М.Э. Древнеегиптские мифы. – М.-Л.: Издательство Академии Наук СССР, 1956; Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1982; Федоренко Н.Т. Древ- ние памятники Китайской литературы. – М.: Издательство “Наука” главная редакция восточной литературы, 1978; Рифтин Б.Л. От мифа к роману. Эво- люция изображения персонажа в Китайской литературы.-М.: Главная ре- дакция восточной литературы, 1979; Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии. – М.: Государственное учебно-педагогическое изда- тельство министерства просвещения РСФСР, 1957; Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. – Алма-ата: Жалын, 1985.

*Демай анбиё қавму хайлинг сенинг,
Бори офариниш туфайлинг сенинг...*¹

Иккинчи истилоҳ “Шафий ул-музаннибин” гуноҳкорларни шафоат қилувчи маъносида келади. Бунга кўра Муҳаммад (а.с.) мутлақ танг ҳолатда қолган (Қиёмат куни) уммат гуноҳини Оллоҳдан сўраб олиш ҳуқуқига эга зот ҳисобланадилар. Заминда қилган гуноҳлари учун абадий азобга солиниши мумкин бўлган инсониятга ҳомийлик қиладилар. Уларнинг мислсиз азобдан халос бўлишларига сабабчи бўладилар. Чунки у зот “Раҳматан лил-ъаламин”, яъни оламларга раҳмат қилиб юборилган зотдирлар.

Буларнинг яна бир далили Муҳаммад (а.с.) кураклари устига Оллоҳ сунъ қўли билан босилган Пайғамбарлик муҳридир. Ушбу муҳр Муҳаммад (а.с.)нинг башарият Пайғамбари эканликларига буюк бир ҳужжатдир. Айни пайтда у зот (а.с.) Одам (а.с.)дан бошлаб келган Пайғамбарларнинг энг улуғи, уларнинг ишларини камолатга етказган “хотам ул-анбиё”дирлар:

Сунъ илиги чекиб бу номаға там.

*Орқосиға бости нақши хотам...*²

Ёки:

Бу иштин фалак топқач огоҳлиқ,

Санга шаҳлар узра бериб шоҳлиқ.

Фалакка бу бахшиш қилурға не ҳад,

Сени Ҳақ шаҳ этмиш азал то абад.

Гувоҳ ўлди тожи футувват мунга,

*Далил ўлди муҳри нубувват мунга...*³

Башариятга нозил этилган барча китобларда ва бу китобларни олиб келган Пайғамбарларда (а.с.) Муҳаммад (а.с.)дан нишона, мўъжизот зоҳирдир. Пайғамбарлик, китоб ва дини исломнинг аввали ҳам, охири ҳам у зот (а.с.) ҳисобланадилар. Яъни:

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. Садди Искандарий. МАТ. Йигирма томлик XI том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 20.

² Алишер Навоий. Ҳамса. Лайли ва Мажнун. МАТ. Йигирма томлик IX том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 19.

³ Алишер Навоий. Ҳамса. Садди Искандарий. МАТ. Йигирма томлик XI том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 22.

*Чу Мусоға Таврот этиб Ҳақ баён,
Санга ул баён ичра муъжиз аён.
Бўлуб чунки Довуд қисми Забур,
Сенинг муъжизинг анда айлаб зухур.
Чу Исоға Инжил нозил бўлуб,
Ҳақ анда сифотингға қойил бўлуб.
Каломеки сендин топиб интизом,
Анинг лафз бар лафзи муъжиз низом...¹*

Ушбу байтлар мазмунидан аён бўладиги, “Ҳамса”даги Муҳаммад (а.с.) образлари наинки мутлақ замон (“аввалги замон”) да, балки “офариниш” (яратилиш, буюк портлаш)дан кейин бугунгача давом этаётган материалистик замон сатҳида ҳам қамровчи образ хронотопини намоён этади. Замин кенгликларида, горизонтал хронотоп сатҳида бирор улкан воқеа-ҳодиса йўқки, унда Муҳаммад (а.с.)нинг иштироклари бўлмасин.

“Ҳамса”да Муҳаммад (а.с.)нинг аслида ким ва қандай миссия билан юборилгани ҳақида тасаввур берилгачгина, у зот ҳам заминда туғилиб ўсган бир банда эканликлари айтилади:

*Қурайший асл, Абтаҳий маҳмил,
Ҳошимий киш, Ясрибий манзил...²*

Бу байтда Муҳаммад (а.с.)нинг Қурайш қабиласидан эканликлари, Маккадаги Абтаҳ маҳалласида туғилганлари, насаб жиҳатидан Ҳошимийларга мансубликлари, Макка ва Мадина шаҳарларида яшаб ўтганлари ҳақида тўғридан-тўғри биографик маълумотлар берилляпти. Ёки:

*Анинг партавидин нечукким қуёш,
Мадойин бўлуб Макка аҳлиға фош...³*

Яъни у қуёшдек чароғон нур сочганда Макка аҳолиси бу нур ёруғида кўп шаҳарларни кўрдилар⁴. Бу бадий ахборот

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. Садди Искандарий. МАТ. Йигирма томлик XI том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 21.

² Алишер Навоий. Ҳамса. Саъбаи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 18.

³ Алишер Навоий. Ҳамса. Садди Искандарий. МАТ. Йигирма томлик XI том. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 21.

⁴ Мадойиннинг яна бир маъноси Араб Ироқида, Фрот дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳарни билдиради. Бу ҳолда байтнинг мазмуни янада чуқурлашади. Яъни Муҳаммад (а.с.) туғилиб, унинг нури қуёшдек порлаган-

ҳам умумий планда Муҳаммад (а.с.) биографияларининг илк даври – туғилишлари хусусида маълумот беради.

*Эй илм санга ладуни анжом,
Мактаб сори ранжа айламай гом.
Олингга вале келиб муаддаб,
Илм аҳли нечукки, тифли мактаб...*¹

“Лайли ва Мажнун” дебочасида келган ушбу байт семантик жиҳатдан бирйўла бир нечта тармоқларга бўлинади: а) Муҳаммад (а.с.)га берилган илмнинг ладуний (ғайбга хос, илоҳий) эканига урғу беради. Бу ўз-ўзидан иккинчи семантик тармоқни юзага келтиради; б) ладуний илм соҳибининг ақл ва мантиққа таянувчи дунёвий илм олишга ҳожати қолмайди; в) бундай илм башарият орасидан камдан-кам одамларгагина берилади. Берилган кимса эса барча дунёвий илм эгалари учун устоз мақомида туради. Ҳар қандай адаб берувчи (“муаддаб”) устозлар унинг олдида, худди мактаб болалари сингари, шогирд ўрнини эгаллайдилар; г) охириги семантик тармоқ бевосита “Лайли ва Мажнун” достони образлар тизими билан бирикиб кетади. Асар бош қаҳрамони Қайснинг мажнунлиги, ундаги мажзубона ишққа ишора қилади.

Муҳаммад (а.с.) башарият учун олиб келган мўъжизаларнинг энг улуғи Қуръони карим ҳисобланади. Навоий Пайғамбар (а.с.)нинг ушбу мўъжизаларини бевосита у зотга берилган ладуний илм билан боғлаб тасвирлайди:

*Эй сунмай иликни хома сори,
Ул навъки хома нома сори.
Номанг вале андаким бўлуб фош,
Хаттидин улус кўтармайн бош...*²

Яъни Қўлига қалам ушламасдан ва қоғоз устида қалам

да Макка аҳли кўз ўнгига қадим Мадойин шахригача намоён бўлди. Мадойиннинг учинчи бир маъноси маданиятлар деганидир. Агар байтдаги мадойин сўзига айна маъно бериладиган бўлса, пайғамбар партавидан Макка аҳли олдида барча маданиятлар намоён бўлди, деган маъно келиб чиқади (– У.Ж.).

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. Лайли ва Мажнун. МАТ. Йигирма томлик IX том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 17.

² Алишер Навоий. Ҳамса. Лайли ва Мажнун. МАТ. Йигирма томлик IX том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 18.

юрғизмасдан ёзган номаси (Қуръони карим) олам аҳлига аён бўлгач, ундан улус бир лаҳза ҳам бош кўтаролмай қолди.

*Аҳкоми била жаҳон низоми,
Назми ики олам интизоми...¹*

Бу байт ҳам Қуръони каримга ишора қилади. Зотан, ислом кишиси учун жаҳонда яшаш қоидалари (низоми) Қуръони каримдаги ҳукмлардан бошқа нарса эмас. Қуръони карим шакл-мазмунига кўра қатъий назм интизоми асосида нозил этилган. Бу шундай мутлақ интизомки, унга икки олам амали мужассам. Исломи аҳли риоя қилиши зарур бўлган иккинчи низом – бу, Пайғамбар (а.с.)дан ривоят қилинган ҳадислардир.

*Буйруғларинг элга қарз янглиғ,
Суннатларинг элга фарз янглиғ...²*

Шу тариқа Навоий Муҳаммад (а.с.)нинг замин юзига оёқ қўйишлари, насаблари, чексиз илмлари манбаи, умумбашарий вазифалари, башарият учун келтирган мўъжизаларини изчил метафорик тасвир усули билан баён этади.

Рус мутафаккир-шоири Александр Сергеевич Пушкин (1799–1837) ижодида Шарқ мавзуси алоҳида ўрин тутди. У ўз аجدодлари мансуб Шарққа ўзгача муҳаббат, улкан завқ ва армон туйғулари билан қарайди. Пушкинга хос Шарқ мавзусининг Европа ва бошқа рус шоирларидан устунлиги, фарқи ва поэтик индивидуаллиги ҳам шунда. Пушкиннинг Шарққа қараши бошқа ажнабий ижодкорларники каби афсонавийлик ва экзотик тасаввур билан чекланмайди. У Шарқни ўзига хос иштиёқ, ишонч, муҳаббатни ифодаловчи “қон ёди” феноменал аураси кенгликларида туриб шарафлайди.

Пушкиннинг Шарққа доир насрий, шеърий ва публицистик асарлари жуда кўп. Ҳатто бу жозиб қутбга алоқасиздек туюладиган рус замини ва замонига оид асарларида ҳам пушкинона даҳонинг Шарқ шуъласидан нурланиб тургани сезилади. Шоир айнан шу жиҳати билан умумшарқ адабиёти, хусусан, ҳазрат Навоий шеъриятига яқин, қондош туюлади.

¹ Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун. МАТ. Йигирма томлик IX том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 18.

² Шу манба, шу саҳифа.

Шоирнинг машҳур “Пайғамбар” шеъри¹да юқорида тўхталганимиз Навоий Пайғамбарномаси билан боғлиқ бадий-типологик жиҳатлар яққол кузатилади.

Дастлаб шеър сарлавҳаси ҳақида. Сарлавҳа рус тилида “Пророк” тарзида акс этган. Умумшарқ ислом дунёсида эса “Расул”, “Пайғамбар” тарзида ишлатилади. “Пророк”нинг соф туркча таржимаси “Савчи”, “Ялавоч” сўзларида ифодаланади. Бу сўзларнинг барчаси бир мазмунга – “хабарчи”, “хабар келтирувчи” тушунчаларида жамланади. Пушкин ўз шеърини бир сўз билан “Пророк” деб номлаган. Бу сўз рус ва Европа халқлари тафаккурида ҳам шу ёки шунга яқин маънони ифодалайди. Худо ва одамзод ўртасидаги воситачи, башар орасидан танланган шахсни билдиради. Аммо, эҳтимолки, Мағриб қутбида туғилиб ўсган аксарият ижодкорлар, халқ вакиллари, оломон психологиясида бу сўз ўз Пайғамбарлари – Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Мусо (а.с.), Ийсо (а.с.) ва ҳ.к. Пайғамбарлар шахсиятига ассоциация беради. Аммо Пушкин ўз шеъри сарлавҳасидан бошлаб, охириги сатригача “Пророк” деганда шубҳасиз охирзамон Пайғамбари, Хотамул анбиё, бани башар муаллими Муҳаммад (а.с.)ни назарда тутган. Аммо бу деганимиз Пушкин шахсияти, тарихий тафаккури, бадий феноменига хос поэтик ассоциация заҳирасида бошқа Пайғамбарлар ҳақидаги хотира заиф ёки йўқ дегани эмас. У ҳам бир христиан сифатида китобларда келган барча Пайғамбарлар тарихидан хабардор эди. Шунга қарамасдан, ушбу шеърида барча тарихий ассоциациялар, Мағриб анъаналари, рус проваслав ақидаларидан юксакроққа кўтарилиб, “Пророк” тушунчаси остида Муҳаммад (а.с.) миссиялари, сийратлари ва шахсиятларини тасвирлайди. Бадий далиллар мисолида таҳлил этганимиз, Навоий Пайғамбарномаси мақомига кўтарила олмаса-да, “Пророк” шеъри воситасида ҳазрат Навоий билан бадий мулоқотга киришади. Ушбу шеърини бадий сўз доирасида шаклланган башар ибтидосига оид метафоралар эволюциясининг бир қонуний

¹ Пушкиннинг бу шеъри 1826 йилда ёзилган бўлиб, унинг ўзбекча таржима варианты ягона эмас. Биз шоир бадий концепцияси, метафоралар кўлами ёрқинроқ акс этгани эътибори билан шоир Мирзо Кенжабек таржимасидан фойдаландик (– У.Ж.).

ҳалқасига айлантира олади. Яна эҳтимолки, бани башар саодатини кўзлаб жўнатилган барча Пайғамбарлар хайлини Хотам ул-анбиё шахсияти ва фаолиятида жамлашга уринади.

Айни жиҳатлар шоир Мирзо Кенжабек таржимасида шундай акс этган:

*Ҳориб руҳий чанқоқ-оташида,
Кездим зулмат саҳросин чунон.
Олти қанот қудсий фаришта
Ногоҳ бўлди менга намоён.
Унда – хурккан бургутдек ҳолат,
Чақнаб келди нури башорат.
Қулоғимга ваҳий этиб оз-оз,
Тўлди унда жаранг ва овоз.*

*Сездим: само титради ул вақт,
Фаришталар юксалди, жўшқин,
Денгизда бор махлуқот – шошқин,
Водийларда – гиёҳлар карахт.*

*Гўё қўлин оғзимга чўзди,
Бас, гуноҳкор тилимни узди,
Чун башарий эди забоним;
Очиб жонсиз оғзимни, шайлаб,
Ҳикмат тўла жом қўйди жойлаб,
Қўлларини бўямиш қоним.*

*Сўнг тиғ билан қўксим ёрди у,
Ундан титроқ қалбимни олди,
Чўғдек порлоқ олтин жом солди –
Ва сийнамга жойлаб қолди у.
Даштда бежон ётардим, фақат,
Етди ногоҳ Илоҳий даъват:
“Олиб амру фармону ваҳий,
Қум фа анзир, аййуҳан-Набий:
Эй Пайғамбар, тургил, огоҳ эт,
Менинг амру иродам-ла кет,*

*Кезиб барру баҳрни алҳол,
Пок сўз ила дилларга ўт сол!”¹*

Шеър композицияси, таржимон билиб тақдим этганидек, тўрт бўлақдан таркиб топган. Биринчи бўлақда келган илк икки сатр бир қарашда “мен” тилидан баён этилгани, индивидуал ҳолатни ифодаляётгандек кўрингани билан туб моҳиятига кўра умумбашарий кўламга эга. “Ҳориб руҳий чанқоқ-оташда /Кездим зулмат саҳросин чунон...” сатрларидаги “мен” бу ерда умуминсониятни акс эттирувчи универсал метафора бўлиб келган. Зотан, одамзод бир Пайғамбардан бошқа Пайғамбаргача ўтган тарихий замон орасида жоҳилият қутқуларидан қутула олган эмас. Болаларни қурбон этиш, ота-онага оқ бўлиш, қотиллик, зино, такаббурлик, мунофиқлик, судхўрлик ва ҳ.к. гуноҳларга берилган. Ўз гуноҳларига ўзи ғарқ бўлиб, “руҳий чанқоқдан” изтироб чеккан. “Зулмат саҳролари”-да адашган. Ва ҳар сафар меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ шундай фожиавий вазиятлар ҳаддан ошганда башар дунёсига Пайғамбарларини чиқарган.

Хусусий ҳолатда умумбашарият чанқоғи ва қалб зулмати-ни ёритиш учун Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) оламларга раҳмат қилиб юборилганлар. Пушкин шеърининг илк икки сатри мана шундай улкан ҳақиқатни акс эттиради. “Руҳий чанқоқ” метафорасида бани Одам (а.с.) ботиний ҳолатларини, “зулмат саҳроси” метафорасида эса башар оммаси онг ости психологиясини ифодаляйди.

Учинчи сатрдан эътиборан барча Пайғамбарлар фаолиятининг дастлабки қадами – ваҳий жараёни тасвирига ўтилади. “Олти қанот Қудсий фаришта” сатрида ифодаланган образ Оллоҳнинг буюк фаришталардан бири Жаброил (а.с.)дирлар. Жаброил (а.с.) барча Пайғамбарларга ваҳий олиб тушганлар.

¹ Пушкин А.С. Пайғамбар. Шеър. Мирзо Кенжабек таржимаси / “Мирзо Кенжабек ижодхонаси” телеграмм каналидан олинди. (Ўқувчи “Пайғамбар” шеъри билан тўлиқ танишмасдан туриб, айна асар хусусида юқорида айтилган фикрларни қабул қилиши қийинлиги, қолаверса, шеърнинг бутун келтирилиши орқалигина уни бўлақлаб таҳлил этиш, моҳиятига сингдирилган метафоралар тизими ҳақида муайян фикр билдириш мумкин. Шу мақсадда тадқиқотда Пушкиннинг “Пайғамбар” шеъри бутунича келтирилди – У.Ж).

Пайғамбарлар у зотни (а.с.) ногаҳоний тараддуд ва ҳайрат билан қабул этганлар. Кейинги сатрдаги “ногоҳ” сўзи шу ҳолатни ифода этади. Кўринадики, бу икки сатр ҳам барча Пайғамбарларга тегишли, башар тарихи учун умумий ҳодисанинг метафорик тасвири бўлиб келган. “Қулоғимга ваҳий этиб оз-оз /Тўлди унда жаранг ва овоз...” сатрларида эса ваҳий тушининг турли шаклларига доир мазмун баён этилган. Сийрат китобларида келишича, Муҳаммад (а.с.)га ҳам ваҳий бир неча шаклларда (овоз, қўнғироқ, туш каби) келган экан.

“Сездим: само титради ул вақт...” деб бошланувчи тўртлик банд ваҳий келаётган дамдаги ер ва осмон – космоснинг ҳолатини мухтасар, аммо аниқ тасвирлагани билан ҳайрат уйғотади. Самонинг титраши, ердаги фаришталарнинг юксакларга учиб чиқиши, сув ва қуруқликдаги наботот, ҳайвонот, жамодод ичига ғулғула тушиши... Бунини Пушкин самовий илҳом, савқи илоҳий билан аён ҳис этган: гуноҳларга тўлиб-тошган само, фисқу фасодга ғарқ бўлган оломон руҳи ҳатто денгизу тошларни-да ташвишга солган – махлуқотга хос умид ва ражо кайфияти. Чунки бу ваҳий Оллоҳнинг раҳматидан муждами ёки қаҳридан? Бу ҳеч кимсага аён эмас.

Кейинги банддан бошладиган тасвир замин горизонтига бўйлаб янада кенгаяди. Пайғамбарлардан ўтиб, уларнинг қавмлари, умуман инсониятга хос ҳолатни талқин эта бошлайди. Чунки оғизга узалган “қўл”, узиб олинган “гуноҳкор тил” метафоралари Оллоҳнинг танланган бандалари – Пайғамбарларга тегишли эмас. Қўли, тили ва дили билан гуноҳлар қилишга мойил ғофил оломонга тегишли. Зотан, илоҳий йўриқларда келишича, башарий забон ўз бошига бало келтиришнинг энг яқин воситасидир. Ҳар бир банда У Кунда сўзлаган сўзи учун жавоб беради.

Хабарчи фариштанинг “оғизга ҳикмат тўла жом”ни бўша-тиши, ва шу оғизни ҳикмат айтишга “шайлаб” қўйиши фақат танланганлар – Пайғамбарлар ва уларга эргашганларгагина буюрилган вазифа.

Сўнгги банд ўн икки сатрдан таркиб топган. Бизнингча, бунинг сабаби Пайғамбарлар тарихидаги, хусусан, Муҳаммад

(а.с.) ҳаётларига оид тарихан аниқ бир воқеани баён этишга қаратилганидир. Тўғри, Муҳаммад (а.с.) тарихларида бу бандда ифодаланган воқеа умрларининг бир-биридан анчайин узоқ икки босқичида содир бўлган. Биринчи босқич у зотнинг (с.а.в.) болалик даврларига тегишли. Муҳаммад (а.с.) ҳали эмизган оналарининг юртида эканларида Жаброил (а.с.) кўк-ракларини ёриб, юракларини ажратиб оладиларда “сувайдо” доғини олиб ташлайдилар. Сўнг жаннатдаги кавсар булоғи суви билан ювиб, кўксиларига қайта жойлайдилар. Банднинг “Етди ногоҳ илоҳий даъват...” деган сатридан кейинги воқеалар, яъни Пайғамбарликнинг аён этилиши, даъватга ундаш Расулуллоҳнинг қирқ ёшларида воқе бўлган. Пушкин мана шу икки воқеани бирлаштиради. Тарихий ҳақиқатга хилоф этса ҳам, шеърӣ асар табиатидан келиб чиқиб, воқеалар ривожини тифизлаштиради. Аммо, энг муҳими, Хотамул анбиёнинг асл миссияси Яратган ваҳийсини жорий этиш эканига урғу беради. “Қум фа анзир” Қуръоний калимасини келтириш билан “огоҳ этмоқ” вазифасини инсонпарварликнинг ҳадди аълоси дея талқин этади. Шеърнинг бутун маҳобати, зарурати ва аҳамияти айнан шу – “огоҳ этиш” калимасининг талқинда намоён бўлади. Зотан, башар тарихида келган барча Пайғамбарлар ўз қавмларини огоҳ этганларки, бу Раҳмон ва Роҳийм сифатли Зотнинг чексиз адолатига далилдир. У адолат тим-солидир ва ҳеч кимни огоҳ этмай туриб жазоламайди. Қуръони каримда: “Йўқ! Қасамки, агар у (бундай гумроҳликдан) тўхтамаса, албатта, Биз унинг пешона сочидан – ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан тутамиз-да, (жаҳаннамга отурмиз)!”¹ дея хитоб қилади ўз Пайғамбари огоҳлантиришига кулоқ тутмаган гумроҳ бандаларга қарата.

Юқоридаги таҳлиллар эса Навоӣ ва Пушкин каби умумбашар шоирлари гуманизми мана шундай бемисл адолат ғояси асосига қурилганини кўрсатади.

Тадқиқот аввалроғида ҳам айтдикки, Алишер Навоӣ ижоди юксак даражадаги метафорик тизимдир. Айни метафорик

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. 96: 16–17.

тизим асосини олий гуманизм концепцияси ташкил этади. Чунки Навоий адабий меросининг моҳиятида инсон ва унинг камолати муаммоси туради.

Навоийга хос инсон концепцияси универсал қўламга эга. У ҳеч бир ҳолатда бир инсон ёки бир миллатга доир муаммолар ҳақида сўзламайди. Унинг бадиий объекти бутун башарият ва бу феноменни ташкил этувчи икки тоифа – “аҳли қабул”, “аҳли рад” дир. Шоир аҳли қабул – Оллоҳга мақбул инсонларни алқайди, ўқувчиларига ибрат қилиб кўрсатади. Аҳли рад – Яратганга номақбул кимсаларни эса тўғри йўлга чақиради, ёмонликдан қайтаришга уринади. Шу сабаб аброр йўли таърифи, аброр-одам тарғиби Навоий ижоди марказидан пўлат устун бўлиб ўтган. Бу устун шу даражада мустаҳкам, шу қадар чексизки, боши “нури қадимият” дан шуъла олса, адоғи Қиёмат қадар давом этади.

Навоийга хос метафоралар тизими эволюцион характерга эга. Айни эволюционлик тамойили Навоий ижодининг бани Одам тарихига қурилгани билан белгиланади. Башарият тарихининг бирор муҳим босқичи Навоий ижоди доирасидан ташқари қолмаган. Навоийга қадар на бирор тарихчи, на бирор файласуф, на бирор шоир инсон тарихини бунчалар мукамал қамраб ола билмаган. Тафсилий баёнланса, минглаб китобларга сиғмайдиган бу олис тарихни жиловлаш ва бир нуқтада жамлаш учун Навоий юксак даражадаги метафорик тизимни ишлаб чиққан. Далилий асос ўлароқ илоҳий хабарлар, Пайғамбарлар тарихига суянган. Мутафаккирнинг шеърий, насрий, илмий ва публицистик асарларида бу жиҳат аниқ тизим тарзида намоён бўлади.

Аввало, Навоий лирикаси ва эпик асарларида метафориклаштирилган аҳли қабул – аброр, аҳли рад – фужжор йўли Пайғамбарлар замони доирасида тизимлаштирилади. Хусусан, Нуҳ (а.с.) даврлари, улкан тўфон билан боғлиқ воқеалар, нажот кемаси ва аброр-одамнинг қутулиши воқеалари “бало тўфони” каби универсал метафораларда акс эттирилади. Иброҳим (а.с.) даврларидаги золим Фиръавн ва унинг қилмишларига оид хабарлар Навоий лирикасида жаҳолат ва саркашлик метафорасига айланган. “Лисонут тайр” да келадиган:

*Юз туман Намрудни пашша залил –
Қилди, то ўтти чечак этди Халил...¹*

деган ушбу бир байтда Иброҳим (а.с.) тарихлари ўз аксини топган. Бундаги Намруд номига “юз туман” сўзининг қўшилиб келиши бу номни умумлаштиради. Яъни шу сон таъкиди воситасида наинки Иброҳим Халилуллоҳнинг душманлари, мушрик фиръавн, айна пайтда, башар тарихидаги миллионлаб мушрик ва жоҳилларларни умумлаштирувчи “аҳли рад” ҳақида сўз юритилади. Аҳли рад кибру ҳавоси, жоҳиллиги ва золимлиги Оллоҳ истаса бир пашша хуружига дош бера олмаслиги таъкидланади. Зотан, “аҳли қабул”дан бўлган Иброҳим (а.с.) учун жизғанақ этувчи оташ гулзорга айланиши мумкин. Иккинчи мисрадаги “ўтти чечак бўлиши” ҳақидаги тарихий ҳақиқат ҳам метафора сатҳида универсаллик касб этади. Ҳар бир яхши одам, яъни “аҳли қабул” зулм ва қийинчиликлар ичида фароғат топиши, дунё дўзахи ичида саодат чечаклари билан неъматланишига ишора қилади.

Навоий асарларига хос бундай метафоралар эволюциясини кўплаб Пайғамбарлар – Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Довуд, Сулаймон, Мусо, Ийсо алайҳимуссалом тарихларига доир метафоралар мисолида кузатишимиз мумкин. Муқаддам тадқиқотларимизда махсус тўхталганимиз боис бу хусусдаги кузатувларимизни шу ўринда мухтасар қиламиз.

Масаланинг компаративистик моҳиятга эғалиги шундаки, Пушкин ижоди ҳам бундай хусусиятдан ҳоли эмас. Пушкиннинг “Руслан ва Людмила”, “Шоҳ Салтан, унинг ботир ўғли Гвидон ва Оққуш бека ҳақидаги эртак”, “Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак” асарлари, ҳатто “Капитан қизи”, “Евгений Онегин” сингари замонавий романларида ҳам илоҳий китоблардаги “илк сюжет”га бориб боғланадиган ошиқ-маъшуқа-рақиб образлар тизими етакчилик қилади. Ижодининг илк намуналаридан бўлган “Руслан ва Людмила”даги рақиб, узунсоқол қария тўғридан тўғри ер ости – шайтанат олами вакили ўлароқ тасвирланади. У миттигина, аммо узунсоқолнинг бу-

¹ Алишер Навоий. Лисонут тайр. МАТ. Йигирма томлик XII том. – Тошкент: Фан, 1996.

тун қудрати қора сеҳр соҳиби эканида. Қаттол сеҳргар бутун кучини эзгуликни барбод этишга сарфлайди. Бу сюжет Одам (а.с.)дан бери давом этиб келаётган иймон ва куфр курашини тасвир этади. Руслан эзгулик ҳимоячиси, Одам атодан мерос – оила шаъни учун курашади. Рақибини енгиб азалий анъанани тиклайди. Оилани сақлаб қолади.

“Шоҳ Салтан...” эртагида эзгулик-ёвузлик курашидек азалий сюжет маиший планда, опа-сингиллар ўртасидаги кураш тарзида берилган бўлса-да, сюжетнинг метафорик асослари иблисона кучлар ва иймон эгалари ўртасидаги зиддиятни ифода этади. Маликанинг икки опаси ҳам улкан сатҳда нафс ва шайтон метафораларини англатади. Чунки уларнинг бири ейиш-ичиш, иккинчиси кийиниш касбининг эгалари. Ичлари эса ҳасад, гина ва ёвузликка тўла. Кичик сингил ўзларидан яхшироқ бўлгани учунгина уни кўролмайдиларки, бу Азозилнинг жаннатдан бадарға қилинишига сабаб бўлган ҳасад ва кибрга қондош туйғу.

Айнан уларнинг фитналари сабаб кичик малика мурғак боласи балан бочкада оқизилади. Аммо денгизнинг бошқа қирғоғида уларни ҳалокат эмас, саодат кутар эди. Эртақдаги “бочкада оқизилиш” мотивининг туб илдизлари Нух (а.с.) кемаси босиб ўтган “тўфон йўли”ни ёдга солади. Жаҳолат ва куфрдан безган Нух (а.с.) ва у зотга эргашганлар ҳам кема воситасида саодат қирғоғига бориб етган эдилар. Шаҳзода Гвидонни кимсасиз қирғоқда шоҳ кўтарилишига олиб келган қурол эса камон эдики, у Одам атонинг илк қуроли ўлароқ жаҳон эпосининг барча намуналарига мерос бўлиб ўтган. Чунки Одам ато илк манзили жаннатдан “бегона диёр” – Ерга келиб тушганида шу қуролдан отиб тирикчилик қилганлар. Ақл-заковат билан Ер юзининг султонига айланганлар. Шунингдек, бу асарда қатор халқ эпосларида келадиган “рад этилган ўғил” мотиви шаҳзода Гвидон обазининг асосий таянчидир.

Эҳтимол, шу қадимий робиталар орқалидир, башар тарихига доир сюжетларни метафориклаштирган “Ҳамса” дostonлари билан Пушкин эртаклари ўртасидаги салмоқли аналогияларга дуч келамиз. Мисол тариқасида, “Сабъаи сайёр” дostonидаги

учинчи иқлим мусофири тилидан ҳикоя қилинган “афсона”ни олайлик. Ушбу “афсона” (ҳикоят) туғилган мамлакат хроно-топи Миср, ундаги асосий қаҳрамон Саъд. Саъд келиб чиқиши жихатидан тақводор, бой, обрў-эътиборли хонадон вакили. Саъднинг отаси Миср-араб географик ҳудудига мансуб, машҳур Хотам тойини эсалатади. Навоий (ҳикоячи, ровий) тилидан у: *Мисрда хожай бор эди ғани / Эшиги ҳожат аҳлининг ватани...*¹, дея таърифланади. Хотамлик фазилати Саъдга отасидан ўтган. Аммо Саъд янги авлод вакили сифатида, отасидаги Хотамга хос сифатни ўзлаштириш билан чегараланмайди. Унда шундай бир хусусият борки, бу хусусият Шарқ халқ эртаклари таркибида ўта камёб учрайдиган кичик хронотоп шакли билан мустаҳкам алоқадорликда юзага чиқади. Макон кўлами мўъжазгина, замон нуқтаи назаридан кичик вақт бирлигига эга бўлса ҳам, сюжет доирасида ўта муҳим, боғловчи, ташкилловчи хронотоп ўлароқ муҳим роль ўйнайди. Айни хронотоп шакли XIX асрда Пушкиннинг “Шоҳ Салтан...” ҳақидаги эртагида чуққурроқ, ёрқинроқ, фаолроқ тарзда қайта ишланган меҳмонхона-сарой хронотопи бўлиб, фитналар сабаб суюкли аёли ва ўғлидан ажралган Салтан мусофирлар, савдогарларни шу жойда кутиб олади. Уларнинг олдиларига тўкин дастурхон ёзади. Дастурхон устида улардан гап сўрайди (“*Хўш, қайларда бўлдингиз / Айтинг, нелар кўрдингиз...*”)². Шу тарзда бўлган, бўлаётган воқеалар ҳақида билиб олади. Меҳмонхона-карвонсарой бу ўринда турли замон-маконга хос ахборотларни туташтирувчи, янги воқеаларни уюштирувчи, қарор қабул қилинувчи, хулосалар ясалувчи ахборот маркази вазифасини бажаради. Шоҳ Салтан ушбу “ахборот маркази” воситасида йўқотган аёли ва ўғлини топади. Мурод-мақсадига етадики, мана шу меҳмонхона-саройнинг илк ижодкори айнан Саъд (яъни Навоий)дир.

Худди эртақдаги каби: *Етти бир кун қазодин икки ғариб / Бу тараф солибон уларни насиб.*³ Яъни Саъд меҳмонхонасига

¹ Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 203.

² Қаранг: Пушкин А.С. Эртаклар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.

³ Алишер Навоий. Хамса. Сабъаи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 203.

бир куни тақдир икки мусофирни етказди. Уларни бу тарафга Оллоҳ сочган ризқ-насибалари олиб келган эди. Ҳикоятнинг “бор эди” тарзида, ўтган замон гумон феъли билан бошланиши, замоннинг “бир куни” шаклидаги мавҳум ифода шаклида берилишидан қатъи назар “Ҳамса” сюжетидаги бундай хронотопларни биз на эртак, на афсона, на халқ қиссалари, на юнон романлари, на эпос хронотопи билан айниятда қабул қила оламиз. Сабаби, ушбу жанрлардан фарқли равишда, “Ҳамса” сюжет чизиқлари тасодиф воситасида боғланмайди. Бизнингча, Шарқ-ислом классик бадиий тафаккурининг ўзга тафаккур шаклларида кескин фарқи, ҳатто устунлиги ҳам шунда.

Хуллас, Саъд ҳаётига кескин бурилиш ясаган икки ғарибни унинг меҳмонхонасига тасодиф эмас, қазо, яъни тақдир олиб келади. Қаҳрамоннинг тоғ-ғор хронотопи (босиб ўтилиши лозим бўлган кейинги бекат) томон ҳаракати меҳмонхона-саройда, мезбон ва меҳмон ўртасидаги сўроқ-жавобдан бошланади. Бунга қадар Саъд уларга мислсиз эъзоз-эҳтиром кўрса-тади, мусофирлар ўзлари билмаган ҳолда, Саъднинг маънавий қарздорига айланадилар:

*Меҳрибонлиқ ила сўруб они,
Айлаб улча риоят имкони.
Чун уётлиқ қилиб риоятдин,
Лутфу эҳсони бениҳоятдин.*

*Сўрубон билганию кўрганини,
Не билик касбида югурганини.
Чун билиб барча рози пинҳони,
Не кироманд ўрганиб они.
Чун бу ишни шиор қилмиш эди,
Кўп улуму ғариба билмиш эди...¹*

Навоий бу жараёни нозик психологик босқичлари, майда икир-чикирлари, кечиб турмиш лаҳза-ҳолатнинг феноменал реалиялари билан синтезда тасвирлайди. Ҳақиқатан, мусофир халқи унча-мунча одамга сир беравермайди. Бу қадар ноёб,

¹ Алишер Навоий. Ҳамса. Сабаъи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 204.

ҳар кимга ҳам айтилавермайдиган, қалб тўрида сақланадиган воқеа ўта нозик вазиятларда, шунда ҳам фақат муносиб мезбонгагина айтилиши мумкин¹.

Саъд мусофирлардан сўрайди:

Ки: “Қаю мулк сизга бўлди мақар?”

Недин ўлди либосингиз ахзар?”²

Бу ўринда байтдаги икки сўзга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Буларнинг бири “мақар” сўзи бўлиб, луғавий жиҳатдан “манзил”, “макон”, “қароргоҳ”, “тўхташ жойи” деган маъноларни билдиради. Бундан келиб чиқадики, байтнинг биринчи мисраси “Қай юрт (мулк – салтанат, мамлакат)ларда бўлдингиз?” деган сўроқ маъносини билдиради. Сўзларнинг иккинчиси “ахзар” – кўм-кўк, яшил, ям-яшил маъносида келади. Тўла маънода сидирға яшил, мутлақ яшил дегани. Умуман, ахзар кўпликни англатадиган сўз. Машхур “хизр” сўзи унинг ўзагини ташкил этади, ахзарнинг бирлик шакли ҳисобланади. Хизр эса яшиллик, абадий ҳаёт, ўлмас куч-қудрат деган маъноларга тўғри келади. Демак, иккинчи мисра “Нега либосингиз яшил?” деган маънони билдиради. Ранг воситасида дастлаб янги хонотоп шакли ҳақида маълумот кириб келади. Шу ранг (либос) туйнуни орқали тамомила янги хронотоп майдонига кириб келинади. Умуман, бу икки калит сўз негизида таҳлил этилган байт биринчидан, яшил қаср, яшил либос, яшил май, яшил ҳовуз сингари душанба кунини рангини билан уйғунлик ҳосил қилиб, асар умумсюжети, еттиликлар тизими, симметриялашса, иккинчидан, Саъдни келажакда қутаётган тоғ ва ғор хронотопига ишора қилади. Шу тариқа асар сюжети Миср

¹ Шартли равишда, Пушкин асарида ҳам шу нозик вазият улкан масъулият, теран санъаткорлик усулида қайта ишланган, ижодий давом эттирилган дейиш мумкин. Салтаннинг тўкин дастурхонидан баҳраманд бўлиб, унинг саховатига қандай миннатдорлик билдиришни ўйлаб ўтирган савдогарларга шох саволи айни муддао бўлади. Бу энг сара воқеани сўзлаш, ноёб сирни очиш учун мувофиқ вазият эди. Демак, шунчаки сюжет, воқеалар баёнидаги яқинлик эмас, бу каби чуқур психологик вазиятлар тасвирида ҳам Саъд билан Салтан сюжети аро ўхшашлик бўртиб кўринадики, айни далил келажакда Навоий ва Пушкин мавзусининг жиддий давом эттирилиши лозимлигини кўрсатади (– У.Ж.).

² Алишер Навоий. Ҳамса. Сабаъи сайёр. МАТ. Йигирма томлик X том. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 205.

хронотопидан Кешга, текисликдан тоғ ва ғорга кўчади. Энг муҳими, Пушкин асарида келгани каби асар ичидаги метафоралар эволюциясини ифодалайди. “Шоҳ Салтан...” эртагида эса ошиқ-маъшуқа, ота-ўғилнинг топишуви, оиланинг тикланиши, ҳақнинг қарор топишига олиб келади.

Дастлабки солиштирувдан маълум бўладики, Навоий ва Пушкин асарларини ягона мулоқот нуқтасида жамлаб турадиган асос инсоният тарихини бирбутун идрок этиш йўлидаги поэтик изланишлардир. Бу жиҳат, орасини уч аср ажратиб турган икки буюк ижодкор поэтик тафаккури аро, улкан мулоқотга асос бўлган.

Хулоса

1. Башарий тафаккурнинг шаклланиши ва такомил топиши улкан вақт ичидаги диалогик жараёнлар натижасидир. Айни диалогик жараёнларнинг илк ибтидоси монологик асосга эга. У коинотдаги барча диалогик жараёнлар ўсиб чиққан матрица бўлиб, кейинги коммуникацион ҳодисалар шундан келиб чиққан.

2. Диалогиклик фақат мулоқот ёки сўз билан боғлиқ жараёнлар учун хос ҳодиса эмас. Бу ҳодиса бутун коинот, ундаги ҳаракатларнинг туб асосидир. Шунга кўра, бутун махлуқот ҳаёти диалогик жараёнлар циркуляцияси, улар ўртасидаги даражаланиш тамойилига кўра давом этади.

3. Башарий турмуш доирасидаги диалогиклик ҳам юзлаб мақом ва босқичлардан ташкил топган. Унинг олий даражаси эса метафизик диалогдир. Метафизик диалог инсоннинг илоҳий олам ва Яратганнынг ўзи билан муносабатига қурилган бўлиб, Пайғамбарлар воситасида башар дунёсига сингдириб келинган.

4. Метафизик диалог универсал кўламга эгаллиги боис уни башарга хос мулоқот тили доирасида англаш, англатиш мумкин эмас. Айни диалог табиати унинг метафорик талқинини талаб этадики, илоҳий китоблар, Пайғамбарлар ва бадиий адабиёт тили айни талабга кўра метафорик (мажозий)дир.

5. Жаҳондаги улкан истеъдод соҳиблари шу буюк қонуни-

ят – универсал метафорик тизимнинг бир узви ўлароқ ижод этадилар. Инсоният учун тўғри йўл, гуманистик ғояларнинг ташувчиси бўлиб хизмат қиладилар. Ўз асарларида метафизик диалог моҳиятини акс эттирадилар.

6. Икки буюк мутафаккир Алишер Навоий ва Александр Пушкин ижодий мероси ўзида юксак ғоялар, универсал бадий талқин ва метафорик тизимни эволюцион тарзда акс эттиришлари билан глобал аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржимон Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992.

2. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 352 б.

3. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 246 б.

4. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун / насрий баён В.Раҳмонов, Н.Норкулов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – 365 б.

5. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 544 б.

6. Алишер Навоий. Садди Искандарий (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 832 б.

7. Алишер Навоий. Лисонут-тайр (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 464 б.

8. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: Сов.писатель, 1963.

9. Жўракулов У. (2023). “Илми балоғат”нинг маншаъи. SHARQ-U G'ARB RENESSANS ADABIYOTI: NAVOIY VA SHEKSPIR mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari, 1(1). Извлечено от <http://universal-adabiyotshunoslik.tsuull.uz/index.php/conference/article/view/2>.

10. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: Турон-иқбол, 2015.

11. Жўракулов У. “Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари / Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015.

12. Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. – Алма-ата: Жалын, 1985.
13. Лосев А.Ф. Античная мифология в ее историческом развитии. – М.: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1957.
14. Лотман Ю.М. Слово и язык в культуре Просвещения. – М., 1987–1989.
15. Матъе М.Э. Древнеегипетские мифы. – М.-Л.: Изд-во Академии Наук СССР, 1956.
16. Новый словарь иностранных слов. - by EdwART. – М., 2009.
17. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Т.: Фафур Фулом номидаги АСН, 1972.
18. Сирожиддинов Ш. Жизнь и творчество Алишера Навои, гуманистические идеи в его произведениях // Infolib: Информационно-библиотечный вестник Учредители: Общество с ограниченной ответственностью с участием иностранного капитала “E-LINE PRESS”. – №1. – С. 66–71.
19. Олим С. “Лисон ут-тайр” ва жаҳон адабиёти
20. Пушкин А.С. Эртақлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.
21. Рифтин Б.Л. От мифа к роману. Эволюция изображения персонажа в Китайской литературы. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1979.
22. Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Ин-т лингвистич. исследований; Под ред. А.П.Евгеньевой. – М.: Рус. яз., 1999.
23. Словарь иностранных слов. Составитель Комлев Н.Г. – М., 2006.
24. Темкин Э.Н., Эрман В.Г. Мифы древней Индии. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1982.
25. Философский словарь. Под редакцией И.Т.Фролова. – М.: Изд. Политлит., 1987.
26. Федоренко Н.Т. Древние памятники Китайской литературы. – М.: Изд-во “Наука” главная редакция восточной литературы, 1978.
27. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Иккинчи том. – М.: Рус тили, 1981.
28. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.